

PAPP-A VA IGF-1 БИОМАРКЁРЛАРИ ИЧКИ УЙҚУ АРТЕРИЯСИ АТЕРОСКЛЕРОТИК ПИЛАКЧАСИ БЕҚАРОРЛИГИ ВА ИНСУЛЬТ ХАВФИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ СИФАТИДА

Юлдашов Сардорбек Икромович

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Долзарблиги. Ички уйқу артерияси стенозида инсулт хавфи кўп жихатдан атеросклеротик пиллакчанинг беқарорлигига боғлиқ, стеноз даражасининг ўзи эса бу хавфни тўлиқ акс эттирмайди. Пиллакча беқарорлигини объективлаштирувчи лаборатор маркёрларни аниқлаш симптомли ва симптомсиз беморларда юқори хавфни эрта белгилаш учун долзарб аҳамиятга эга.

Материал ва усуллар. Турли даражадаги ИУА стенози бўлган беморларда яллиғланиш ва пиллакча беқарорлиги биомаркёрлари — PAPP-A, IGF-1, IGFBP-3, юқори сезгирликдаги С-реактив оксил, гомоцистеин ва β-амилоид — ўрганилди ва уларнинг клиник-инструментал кўрсаткичлар (стеноз даражаси, пиллакча морфологияси, цереброваскуляр захира) билан боғлиқлиги таҳлил қилинди.

Натижалар ва муҳокама. PAPP-A даражасининг ошиши ва IGF-1 даражасининг пасайиши комбинацияси атеросклеротик пиллакча беқарорлигини акс эттириши ва инсулт эҳтимолининг ошиши билан боғлиқлиги аниқланди. Биомаркёрлар даражаси билан стенознинг клиник-инструментал хусусиятлари ўртасида ташхисий ва прогностик жихатдан муҳим боғлиқликлар кўрсатилди, бу симптомли ва симптомсиз кечишда

юқори хавфли беморларни эрта ажратиш имконини берди. Когнитив кўрсаткичларнинг яққол пасайиши қон зардобиди гомоцистеин ва β -амилоиднинг юқори даражаси билан кузатилди.

Хулоса. PAPP-A нинг ошиши ва IGF-1 нинг пасайиши уйғунлашуви атеросклеротик пиллакча беқарорлигининг биологик маркёри бўлиб хизмат қилади ва шахсийлаштирилган профилактика учун қимматли восита ҳисобланади. Ушбу биомаркёрлардан фойдаланиш инсулт хавфини стеноз даражасига асосланган ёндашувга нисбатан аниқроқ табақалаштириш имконини беради.